

МАЛАЙЗИЯДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ДХШ АСОСИД КЛАСТЕРЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Навруз-Зода З.Б.

Бухоро давлат университети

“Иқтисодиёт” кафедраси доценти и.ф.ф.д(PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17490142>

Глобал туристик хизматлар бозорининг жадал суръатларда ривожланиши натижасида турли миллий туризм индустриялари ўртасида ўзаро бозор рақобати кураши чуқурлашуви ҳисобига соҳани ривожлантиришнинг самарали усулларидан фойдаланишга бўлган қизиқиш ортди. Бунинг натижасида иқтисодий фанда ҳам туризм соҳасини ривожлантиришнинг самарали усуллари, жаҳон амалиётида шаклланган турли моделларни тадқиқ этиш ва уларни такомиллаштириш борасида ўтказиладиган тадқиқотлар сони ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда жаҳон амалиётида мамлакат туризм соҳаси иқтисодий ривожланиш салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини берувчи усуллардан бири бу соҳани кластерлаштириш ҳисоблашиб, туристик кластерларни ташкил этиш орқали географик жиҳатдан ўзаро яқин жойлашган ҳудудларда туристик фаолияти йўналиши ўзаро боғлиқ ёки ёрдамчи аҳамият касб этувчи тармоқлардаги корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини яхлит бир гуруҳ шаклида ривожланиш тенденцияларини жадаллаштиришга эришилиб келинмоқда.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг аамал қилиши шароитида мамлакат туризм соҳасини ривожлантириш, жумладан, миллий туризмнинг ривожланиш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳудудларнинг туристик ресурслар бўйича мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, бир ҳудуд ичидаги ёки туристик ривожланиш салоҳияти ўзаро ўхшаш бўлган чегарадош ҳудудлар ўртасида янги турдаги туристик маршрутларни ташкил этиш оқрали соҳада иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий шакллари ривожлантирилмоқда. Жумладан, Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан 2025-2026 йилларда мамлакатда туристик оқим ҳажмини кўпайтириш борасида “республика ҳудудларига 15,8 миллион нафар хорижий туристларнинг сафарларини ташкил этиш, туризм хизматлари экспортини 4 миллиард АҚШ долларига етказиш, республика ҳудудларида янги 108 та меҳмонхона, 375 та оилавий меҳмон уйи ва 123 та хостел қуриш, 745 та капсула ва ўтов уйлари, апартамент-отель, модулли меҳмонхоналар ҳамда 12 та туризм қишлоғи ва туризм маҳалласини ташкил этиш”[1] каби устувор вазифаларнинг белгилаб берилганлиги, мамлакат туризм соҳасини ривожлантиришнинг самарали усуллари амалиётга жорий этишга устуворлик қаратиш зарурлигидан далолат беради.

Умуман олганда, юқорида келтириб ўтилган фикрларни инобатга олиб, миллий иқтисодиёт тармоқлари, жумладан туризм соҳасини ривожлантиришда кластерли усулдан фойдаланиш иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг чуқурлашуви ҳисобига мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ортиши ҳисобига нисбий ва мутлоқ рақобат устунлигига эришиш имкониятларини кенгайтиради, деган хулосага келинди.

Шу билан биргаликда, туризм соҳасини кластерли усулда ривожлантиришга қаратилган иқтисодий фанда ўтказилган тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида соҳа

инфратузилмсини яхшилаш, кўрсатилаётган туристик хизматларни сифат жиҳтдан такомиллаштириш, ҳудудий туристик брендларни ривожлантириш ва соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш каби устувор мақсадларга эришилиши аниқланди. Бу эса туризм соҳасини кластерли усулдан фойдаланган ҳолда ривожлантириш бўйича жаҳон амалиётида шаклланган моделларни қиёсий таққослаш асосидан улардан мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради.

Малайзия амалиётида “туризм кластерларини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизми орқли ушбу соҳани инвестициялаш барқарорлигини таъминлаш”[2] га устуворлик қаратилиши М.Ю. Ида Фарина томонидан таъкидланган. Шу билан биргаликда, ўтказилган тадқиқот жараёнида мамлакатнинг Перлис, Пенанг, Кедах, Келантан, Мелака, Перак, Селангор, Негери Семблан, Жоҳор, Паҳанг, Теренггану, Сабаҳ ва Саравак каби ҳудудларида экотуристтик кластерларини ривожлантиришда экологик стандартларни жорий этишга устуворлик қаратилаётганлиги аниқланган.

1-жадвал

Туризм кластерларини ривожлантиришнинг Малайзия модели таркибий компонентлари¹

№	Таркибий компонент	Таркибий компонентларнинг изоҳланиши
1	Туризмни тарғиб қилиш агентликлари	Давлат ташкилотлари томонидан миллий туризм соҳасини реклама қилиш ва маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилади
2	Хусусий сектор инвесторлари	Меҳмонхоналар, ҳостеллар, меҳмон уйлари, тематик парклар, оилавий курорт зоналари хусусий сектор вакиллари маблағлари ҳисобидан қурилади
3	Таълим марказлари ва малака ошириш институтлари	Туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш ва улар малакаларини ошириш учун хизмат қилади
4	Экотуризм ва тематик парклар	Экологик стандартларга жавоб берадиган тематик паркларга асосланган мега туристик маршрут лойиҳалари
5	ИТ ва рақамли технологиялар	Booking, AV/VR рақамлаштирилган хизматлари, туристик хариталарни рақамлаштириш
6	Инфратузилма ва логистика	Йўллар, портлар, автобус вокзаллари, аэропортлар, меҳмонхона занжирларини ривожлантириш

Жумладан, мамлакат туризм соҳасида экотуризм кластерларини ривожлантириш билан биргаликда, ушбу ҳудудларда тематик парклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу орқали хорижий туристларнинг мамлакатга ташриф буюришига бўлган қизиқишларини янада оширишга эришилади. Шу билан биргаликда, тематик парклар ва экотуристтик хизматларни ўзаро интеграциялаштирилган туристик маршрутларни

¹ Муаллиф томонидан тузилган

ишлаб чиқилганлиги мамлакат туризм соҳасидаги ўзига хос бўлган хизматлар кўрсатиш амалиётини ривожлантириш имконини беради.

Малайзия туризм кластерларини ривожлантириш амалиётининг ўзига хослиги соҳада информацион (ИТ) ва рақамли технологиялардан фойдаланишга устуворлик қаратилганлигида ҳисобланади. С. Амир томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, “мамлакатда ташкил этилган ҳудудлардаги экотуристтик кластерлар фаолиятида ИТ ва рақамли технологияларни қўллаш устуворликлари сифатида Booking ва AR/VR рақамли хизматлари, рақамлаштирилган туристик хариталарни”[3] мисол тариқасида келтириш мумкин бўлади.

Ўрганишлар асосида Малайзия туризм соҳасини кластерлаштириш модели таркибий жиҳатдан туризмни тарғиб қилиш агентликлари, хусусий сектор инвесторлари, таълим марказлари ва малака ошириш институтлари, экотуризм ва тематик парклар, ИТ ва рақамли технологиялар, инфратузилма ва логистика каби компонентлардан ташкил топганлиги (1-жадвалга қаранг) аниқланди. Шу билан биргаликда, мамлакатда туризм соҳасини кластерлаштириш жараёнларида ДХШ механизми устувор аҳамият касб этиб, соҳада амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларда иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватланади

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025-2026 йилларда сайёҳлар оқимини кескин кўпайтириш ва туристик хизматлар кўламини жадал кенгайтириш орқали туризмнинг иқтисодийётдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон фармони, 15.05.2025 й.
2. Ida Farina M.Y., Husain R., Mohammad Idaris R. Sentiment Analysis of Tourist Reviews on Ecotourism Clusters in Malaysia for Sustainable Development. Selangor Business Review, Vol. 9, No. 2, Dec, 2024. – pp. 1-21.
3. Amir S., Dura N.H., Yusof M.A., Nakamura H., Abu Nong R. Challenges of Smart Tourism in Malaysia Ecotourism Destinations. Journal of the Malaysian Institute of Planners, Vol. 18, Issue 4, 2020. – pp. 442-451